

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ОБЪЕКТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор*

Мамасолиева Наимахон Музаффар қизи

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги
3-ўқув курси 309-ўқув гуруҳи курсанти*

Аннотация: Ушбу мақолада профилактика инспектори фаолиятида якка тартибдаги профилактика объектлари билан ишлашни такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Профилактика инспектори, якка профилактика, хавф гуруҳи, ҳуқуқбузарликни олдини олиш, индивидуал ёндашув.

Аннотация: В данной статье освещены вопросы совершенствования работы с индивидуальными профилактическими объектами в деятельности инспектора по профилактике.

Ключевые слова: Инспектор по профилактике, индивидуальная профилактика, группа риска, профилактика правонарушений, индивидуальный подход..

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда комплекс чора-тадбирлар изчил равишда амалга оширилди. Бу жараён мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда муҳим ижобий натижаларга эришиш, криминоген вазиятни барқарорлаштириш ва жиноятларни барвақт аниқлаш имконини берди. Шу билан бирга, профилактика инспекторлари фаолиятининг аҳамияти тобора ортди, айниқса якка тартибдаги профилактика объектлари билан ишлашда индивидуал ёндашувни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Амалиёт шуни кўрсатадики, профилактика инспектори ўз фаолиятини янада самарали ташкил этиш учун объектларнинг шахсий-ижтимоий хусусиятларини чуқур ўрганиш, улар билан мунтазам алоқа ўрнатиш ва хавф даражасини аниқ баҳолаш механизмларини ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Бу эса ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда замонавий, мақсадли ва тизимли профилактика моделини шакллантиришда асосий йўналишга айланади.

Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014 йилдаги Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуннинг 28-моддасига кўра, «Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасидир». Қонунда таъкидланганидек, бу профилактика шахснинг ижтимоий муҳити, турмуш тарзи, ғайриижтимоий хулқ-атвори ва хуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган хуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиб амалга оширилади. Шунингдек, якка тартибдаги профилактика фақат ишончли маълумотларга асосланиб қўлланилади ва қонунда белгиланган мажбурловчи ва чекловчи хусусиятдаги асосларга мувофиқ амалга оширилади.

Шу йўналишда профилактика инспекторининг фаолияти индивидуал ёндашув, самарадорлик ва ҳуқуқий асослар билан мукамал таъминланиши мақсадга мувофиқдир. Бунда шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари конституциявий кафолатланганлигини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида қуйидагича келтирилган:

Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас.

Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас.

Озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Сўнги йилларда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликни содир этишга сабаб бўлаётган ижтимоий-маиший муаммоларни ижтимоий профилактика чоралари тизими орқали ҳал этиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишнинг ташкилий-профилактик асосларини замон талабларига мослаштириш, содир этиладиган қонунбузилишларнинг асл омилларини ўз вақтида аниқлаш ва комплекс чора-тадбирлар билан манзилли бартараф этиш орқали жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизимининг самарадорлигини янада ошириш долзарб вазифа сифатида намоён бўлмоқда.

Умуман олганда, ҳуқуқбузарликларнинг якка ва умумий тартибдаги профилактикаси профилактик таъсир кўрсатиш объектининг бир ёки бир гуруҳ шахслар ташкил этиши билан фарқланади. Бошқача айтганда, якка тартибдаги профилактикада муайян шахсга, умумий тартибдаги профилактикада эса бир неча (ўнлаб, юзлаб, минглаб) шахсларга профилактик таъсир кўрсатилади. Айнан мазкур жиҳатни эътиборга олган ҳолда якка ва умумий тартибдаги профилактик чора-тадбирлар ўзига хос тарзда шакллантирилган.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки, айрим ҳолларда бир гуруҳ шахслар ҳам ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси объекти бўлиши мумкин. Аммо ушбу бир гуруҳ шахслар муайян бир бутун объектни ташкил этиши лозим. Бунга жанжалкаш оилаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Юқорида келтириб ўтилганларга асослансак, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар томонидан ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ҳисобини юритиш, тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали уларни ахлоқан тузатиш, уларда ижтимоий ҳаётга мос хулқ-атвор ва турмуш тарзини шакллантириш ҳамда назорат қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахсларни ҳуқуқбузарликнинг қурбонига айланиш хавфининг мавжудлиги, хавф туғдираётган ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шартшароитлар, ҳуқуқбузарликларни содир этиш усули, шакли ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш, уларни огоҳликка, ҳушёрликка чақириш ҳамда хавфсизликни таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси объектларини қуйидагилар ташкил этади:

- 1) ғайриижтимоий хулқ-атворга эга шахслар;

- 2) ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар;
- 3) ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар;
- 4) ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахслар;
- 5) ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар;
- 6) ижтимоий ҳимояга муҳтож вояга етмаганлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 ноябрдаги “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 801-сон қарорига мувофиқ, қуйидагилар ҳуқуқбузарлик содир этишга эҳтимоли бўлган шахслар сифатида эътироф этилади:

- банд бўлмаган ёки доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз шахслар;
- спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки инсон ақли-иродасига таъсир этувчи бошқа моддаларга қарам бўлиб қолган шахслар;
- қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга ружу қўйган шахслар;
- ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар;
- қаровсиз ва назоратсиз қолган вояга етмаганлар;
- ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчилари;
- давлат кўмагига муҳтож «оғир» тоифадаги ёшлар;
- ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар;
- ажрим ёқасига келиб қолган ва низоли оилалар;
- ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар;
- мунтазам тазйиқ ва зўравонликка учраб келаётган хотин-қизлар;
- жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган шахслар;
- оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар;
- тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган шахслар;

Юқоридаги кўрсатиб ўтилганлар ҳуқуқбузарлик содир этмаган ёки содир этган бўлса-да, ҳуқуқбузарлик тариқасида ҳуқуқий баҳо берилмаган ёхуд содир этилган ҳуқуқбузарлик бўйича айбдорлиги исботланмаган, аммо ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахслар сифатида эътироф этиладилар.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасидаги каби яқка тартибдаги профилактикаси ҳам *ишонтириш, рағбатлантириш, мажбурлаш* асосий усуллар ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликнинг якка тартибдаги профилактикасида ишонтириш усули ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган, шунингдек, ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга тарбиявий таъсир ўтказиш ҳамда огоҳлик ва ҳушёрликка чақиришнинг асосий усули.

Хулоса айтиб айтсак, Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва жиноятчиликка қарши самарали курашда профилактика инспекторлари фаолиятининг аҳамияти тобора ортмоқда. Якка тартибдаги профилактика шахсий ёндашувни талаб қилади, яъни ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларнинг ижтимоий муҳити, турмуш тарзи, хулқ-атвори ва ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли чуқур таҳлил қилинади.

Ҳуқуқий жиҳатдан, профилактика инспектори фаолияти Конституциявий кафолатланган шахс ҳуқуқлари ва ХП-371-сон Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Шунингдек, 2024 йил 30 ноябрдаги 801-сон қарор маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими доирасида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни аниқлаб, улар билан мақсадли ва самарали иш олиб боришни таъминлайди.

Шу муносабат билан профилактика инспектори фаолиятида индивидуал ёндашув, самарадорлик ва ҳуқуқий асосларга қатъий амал қилиш орқали ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш имконини кенгайтириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 ноябрдаги “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 801-сон қарори.